Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 23 май • шанба

№ 83 (10.332). Баҳоси 1 сўм.

• *Вилоят ҳокимлигида*

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАФТАЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят ҳокими қабул қилган махсус қарорда бозор иқтисодиёти шароитида болалар уйлари, махсус мактаб интернат тарбияланувчиларига, ногирон болаларга, оилавий болалар уйига, кўп болалик ва кам даромадли оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш мақсадида Тошкент вилоят болалар жамғармасининг халқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

Шу йил 26 майдан 1 июнгача вилоят шаҳар ва районларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталиги ўтказиладиган бўлди.

Шаҳар, район ҳокимликлари, вилоят бўлимлари ва бошқармалари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш ҳафталигида ҳудудидаги корхона, хўжаликлар, фирма ва биржалар кўп болалик ва кам даромадли оилаларга, ногирон болаларга, болалар уйи ва махсус-мактаб интернатларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳайрия йўлида Тошкент вилояти болалар жамғармаси ҳисоб рақами 000700417, МФО 172682304 Тошкент шаҳар Юнусобод (Киров) саноат қурилиш банкига маблағ ўтказишни ташкил қилиши тавсия этилди.

Болалар уйлари ва махсус мактаб интернатларини оталиққа олган ташкилот раҳбарлари келгусида болаларнинг мустақил ҳаётида ўз йўлларини топиб олишлари учун моддий мадад сифатида ҳар бир битирувчининг номига ҳисоб дафтарчаси очиш имкониятини излаб топишлари керак.

Вилоят халқ таълими, маданият бошқармалари, вилоят физкультура ва спорт қўмитасига болалар уйлари тарбияланувчилари, мактаб ва мактаб-интернат ўқувчилари ва ногирон болалари учун санъат усталари, халқ рассомлари, ёзувчи, шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш, истироҳат боғларида, маданият уйларида, ўйингоҳларда спорт ўйинлари, оммавий сайиллар ва томошалар, концертлар уюштириш юкланди.

Вилоят болалар жамғармаси ҳафталик давомида кўп болалик, кам даромадли оилаларга, ногирон, етим болаларга кийим-кечаклардан иборат совғаларни беришни ташкил этиши керак.

ЯНГИ НОМЛАР

Вилоят Ҳокими қарори билан Олмалиқ шаҳар, Қибрай, Тошкент, Янгийўл ҳамда Оҳангарон районларидаги маъмурий-ҳудудий бирикмаларга, аҳоли истиқомат қиладиган жойларга, хўжаликларга ном берилди ва номини ўзгартирилди. Чунончи:

— Олмалиқ шаҳридаги «КПСС XXVI съезди» кимё заводининг номи «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси деб;

— Қибрай районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги Туроб Нормуҳамедов номли жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди;

— Тошкент районидаги «Ленинград» жамоа хўжалигига унинг тарихий «Тулаби» (Қалдиргочби) номи берилди.

Оҳангарон районидаги:

— К. Ворошилов номли хўжаликни «Ўзбекистон» давлат ижара хўжалиги деб;

— «ВЛКСМ 50 йиллиги» хўжалигини «Янги ҳаёт» давлат ижара хўжалиги деб ўзгартириш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди.

Янгийўл районидаги:

— «Коммунизм» жамоа хўжалиги «Тинчлик» деб;

— Куйбишев қишлоқ шўроси Меҳнат Қаҳрамони Ў. Мусаев деб;

— Ленинизм номли 6-мактабни Тўлаган Тўйчиев номли мактаб деб;

— «ВЛКСМ 30 йиллиги» номли 7-мактабни Пўлатхон Азлархонов номли мактаб деб;

— Николаев номли 3-мактабни Қозоқбой Абдуллаев номли мактаб деб;

— Чехов номли 5-мактабни Меҳнат Қаҳрамони Мираҳмад Юсупов номли мактаб деб;

— «Октябрь» жамоа хўжалиги «Озод» жамоа хўжалиги деб;

— «Интернационал» жамоа хўжалиги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги деб;

— «Новомихайловка» қишлоқ шўроси «Қўш-ёғоч» қишлоқ шўроси деб;

— Калинин номли қишлоқ шўроси «Халқобод» қишлоқ шўроси деб;

— «СССР 60 йиллиги» жамоа хўжалиги «Дўстлик» жамоа хўжалиги деб;

— Энгельс номли жамоа хўжалиги Бобур номли жамоа хўжалиги деб;

— Калинин номли жамоа хўжалиги «Қовунчи» жамоа хўжалиги деб ўзгартирилди.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Мамлакатимизга хориждан меҳмон келмаган бирор кун йўқ. Уларнинг мақсади жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлган юртимиз ҳаёти билан танишиш, ҳозирги оғир шароитда бизга кўмаклашиш, табиий бойликларимиз ҳамда ишчи кучларидан самарали фойдаланиш йўлларини биргаликда излаб топишдир.

АҚШ жамоатчилиги делегацияси ҳам шу эзгу ният билан республикамизга келди.

20 май куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов Америка Қўшма Штатларининг таниқли жамоат арбоби, АҚШнинг собиқ СССР элчиси Аврелл Гарриманнинг рафиқаси Памела Гарриман хоним бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Республика раҳбари дўстона суҳбат чоғида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Ўзбекистон дарвозалари дўстлик ва ҳамкорлик қилишни хоҳлаётган холис ниятли барча мамлакатлар ва кишилар учун ҳамма вақт очиқ эканлиги таъкидланди.

Америкалик меҳмонлар самимият, ошкора ва дўстона суҳбат учун миннатдорчилик билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов, республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

* * *

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар комитетининг аъзолари билан учрашадилар. Республика Фанлар академиясининг раёсатида бўладилар. Шунингдек улар республика Ташқи ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларининг фаолияти билан танишадилар. Тошкент давлат университети, Давлат иқтисод университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан суҳбатлашадилар. Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида бўладилар.

(ЎзА).

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат Сув хўжалиги қурилиши комитетида кўргазма очилди. Бу ерда шу тармоқ корхоналари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли молларининг намуналари намойиш этилмоқда.

Ҳозир Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетига қарашли корхоналарда йилига жами 38 миллион сўмлик 147 турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

21 май куни кўргазмани Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов кўздан кечирди. У кўргазмага қўйилган молларнинг сифати, таннархи, сотилиши масалалари билан қизиқди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

Кўргазмани Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари А. Возненко, «Узконтрактторг» раиси Т. Шарипов ҳам кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

• *Бугун—оммавий ҳашар*

1,5 МИЛЛИОН СЎМ БЕРИШАДИ

Қуйи-Чирчиқ ноҳияси меҳнаткашлари ҳам вилоятимизнинг қатор минтақаларида юз берган табиий офат оқибатларини тугатишга, сел, тошқиндан зарар кўрган оилаларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига ўз улушларини қўшишга аҳд қилдилар. Ҳар бир корхона-ташкилот, хўжалик-муассаса жамоаси бир кунлик иш ҳақини шу жамғармага берадиган бўлди.

Айрим хўжаликлар моддий ёрдамни табиий офат юз берган кунининг эртасигаёқ ажратдилар. Чунончи, «Ўзбекистон беш йиллиги» давлат хўжалиги деҳқонлари жамғарма ҳисобига 50 минг сўм ўтказдилар. «Ўжакент» жамоа хўжалиги аъзоларининг ҳиммати ҳам шунча бўлди. А. Навоий номли давлат хўжалиги жамоаси эса 50 минг сўмлик ёрдам кўрсатди.

— Ноҳиямиздаги бирорта жамоа бу хайрли ишдан четда қолгани йўқ,— дейди ноҳия ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Шерматов.— уларни ҳеч ким бунга даъват эттани йўқ. Қалб амрлари билан шундай қилишаяпти. Ҳатто кичик корхоналар ишчи-хизматчилари ҳам ҳиммат қилмоқдалар. Масалан, «Меҳнат» кичик корхонаси жамоаси табиий офат келтирган зарарни тугатиш вилоят жамғармасига 3 минг сўм, «Омад» кичик корхонаси эса 5 минг сўм, «Пардоз» кичик корхонаси жамоаси 5 минг сўм ўтказди. Ноҳия меҳнаткашларининг берган жами маблағи эса бир ярим миллион сўмдан кам бўлмайди.

ҲАР ОИЛАГА 500 СЎМДАН

Вилоят деҳқончилик саноати мажмуи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Қ. Шодиметов муҳарририятимизга қўнғироқ қилиб, қўмита табиий офатдан зарар кўрган оилаларнинг мушкулини бироз бўлса ҳам осон қилишга ҳисса қўшишга қарор қилганлигини айтди. Бекобод ноҳиясида бўлган сел ва тошқиндан катта зарар кўрган 23 та оиланинг ҳар бирига 500 сўмдан ёрдам пули берилди. Аҳолининг бошқа кентдаги ўн бешта оиланинг ҳар бирига ҳам шунча миқдорда ёрдам кўрсатилди.

Қўмита бу билан кифояланиб қолмоқчи эмас. Ҳозирги вақтда табиий офатдан зарар кўрган оилаларга қўшимча ёрдам кўрсатиш, шунингдек содир бўлган табиий офат оқибатларини тугатиш, моддий зарарларни қоплаш бўйича вилоят счётига ҳам пул ўтказиш имкониятлари қидирилмоқда.

М. МАҲМУДОВ.

Штаб йиғилиши

Вилоят ҳашари арафасида уни тайёрлаш ва ўтказиш штаби йиғилиши бўлиб ўтди. Иштирокчилар Оққўрғон, Паркент ва Бекобод районларида табиат офат етказган зарардан кейинги вазиятни таҳлил этдилар.

Вилоят ҳашари бошига ташвиш тушган оилаларга кўмак бериши керак. Бу ўринда: офатдан зарар кўрганларга ёрдам жамғармаси ҳисобига ишлаб бериш, бепул транспорт хизмати кўрсатиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш каби ва бошқа қўллаб-қувватлашлар муҳим аҳамият касб этади.

Штаб йиғилишида вилоят ҳашарини ташкил этишдаги уюшқоқлик ва ижодий ташаббускорликнинг айниқса муҳимлиги қайд қилинди.

Йиғилишни вилоят ҳокими биринчи ўринбосари, штаб бошлиғи Л. П. Тернових олиб борди.

НАТИЖАСИ ЧАККИ ЭМАС

1990 йил Қибрай районидаги 45-билим юрти махсус мактаб олийгоҳига айлантирилганди. Бундан кутилган мақсад вилоятимиз бўйича қобилиятли ўқувчиларни танлаб олиб, юқори даражали мутахассислар тайёрлаш эди. Шу асосда Тошкент темир йўли, тиббиёт олийгоҳлари, техникавий дорилфунун ва Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юртлари билан шартномалар тузилиб, уларнинг иштирокида қобилиятли ўқувчилар мактаб олийгоҳига қабул қилинганди.

Мана икки йилдирки, дастлабки натижалар ёмон эмас. Айни пайтда махсус мактабда 176 талаба турли фанлардан билим олмоқда. Уларга асосий фанлардан юқоридаги олийгоҳ, дорилфунунларнинг тажрибали ўқитувчилари дарс беришмоқда. Ҳар йили имтиҳонлар ҳам шу ерда топширилмоқда.

— Махсус мактаб олийгоҳининг келажагига ишонамиз,— дейди директор Ҳожиакбар Ортиқхўжаев,— мактаб жамоаси ўқув жараёнини янада кенгайтириш, ўқувчиларнинг ҳар томонлама пухта билим олиши, ўқишни амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш мақсадида 1992—1993 ўқув йили учун яна Тошкент Давлат Дорилфунуни, алоқа олийгоҳи билан шартнома тузиш, талабалар сафини янада оширишни режалаштирмоқдамиз. Бунинг учун айни пайтда кириш имтиҳонларига ҳам пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Мактаб-олийгоҳни битирадиган йили ҳам талабалар имтиҳонларни шу ернинг ўзида топширадилар.

И. РУСТАМОВ.

ЯНГИ МАКТАБ





Оҳангарон районидаги 2-ўрта мактаб янги бинога кўчиб ўтди. Шу муносабатга бағишланган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ. Ҳамидов иштирок этди. Ў ўқитувчилар ва ўқувчиларни, қурувчиларни табриклар экан, ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитда ҳам ҳокимият халқ таълимига эътиборни кучайтираётгани, болалар учун маблағни аямаётгани тўғрисида гапирди.

Тантанада мактаб директори А. Давроновга ўқув даргоҳининг тимсолий калити топширилди.

Мактаб очилишида Оҳангарон район ҳокими С. Балашов, Оҳангарон район халқ таълими бўлими мудири В. Сибельдина ва Тошкент вилояти Қизил Ярим ой жамияти бўлимининг раиси Ф. Латиповалар иштирок этдилар. Улар замонавий жиҳозланган синфларни кўрдилар.

Янги бинонинг спорт залида эса кураш бўйича дастлабки мусобақа ҳам бўлиб ўтди.

Мактабда медицина пункти мавжуд. Ф. Латипова унга кичик дорихоналар ва Қизил Ярим ой жамияти тимсолини билдирувчи пакет совға қилди.

Бадиий ҳаваскорлар бу шодиёнага катта ҳисса қўшдилар. Ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари дил сўзларини айтиб, рақсларга тушиб, янги мактаб учун миннатдорчилик билдирдилар.

Суратларда: янги бинонинг кўриниши; директор А. Давронов (чапда)га тимсолий калит топширилмоқда.

ТАБИИЙ ОФАТДАН ЗАРАР КЎРГАНЛАРГА

БЕМИННАТ ЁРДАМ

«Фавқулодда вазиятларда инсоний ёрдам» меҳр-шафқат тадбири доирасида Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент вилояти бўлими ва вилоят болалар жамғармаси вакиллари табиий офатдан зарар кўрган Бекобод, Паркент ва Оққўрғон районларида бўлдилар.

Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент вилояти бўлимининг раиси Флюра Шукруллаевна Латипова мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Табиий офат юз берган жойларни ўз кўзи билан кўрган киши алланечук бўлиб кетади. Бўм-бўш уйлар, ағдарилган деворлар. Одамлар ўша паллада эгнилариda қандай кийим бўлса, ўша алпозда қолган эдилар. Кўз олдимда шундай манзара ҳали ҳам гавдаланиб турибди: ёшгина жувон енгилгина кийинган, сарпойчанг оёғида шиппак, бир ойлик чақалоғини кўтариб турарди. Сел келган пайтда Паркент районидаги «Коммуна» давлат хўжалигида болали беланчак оқиб кетди, эри ва қўшнилари билан улар уни аранг қутқариб қолишди.

Тошкент вилоят ҳокимининг муовини Ҳ. Ҳамидов ва вилоят болалар жамғармаси раиси М. Солиҳова билан биз сув тошқинидан энг кўп зарар кўрган Бекобод районидаги Ойбек номли совхозда, бояги «Коммуна» давлат хўжалигида ва Оққўрғон районидаги Алимкент қўрғонида инсонпарварлик ёрдамини тарқатиб чиқдик. Болалар жамғармаси ўзи билан бирга болалар кийимкечаклари ва пойабзаллари ортилган юкни олиб келган эди. Биз эмизикли болалари бор онлаларга бир марта ишлатиладиган дорининалар, тиббий қутичалар, рўмоллар тарқатдик. Табиий офат оқибатларини тугатиш штабида чодирларни бердик, бир марта ишлатиладиган дорининаларни офатдан зарар кўрган аҳоли истиқомат жойларидаги шифокорларга ҳам қолдирдик.

Ҳокимликлар одамлар бошига тушган кулфатни илож борича енгиллаштириш учун ҳамма чораларни кўраётганликларини жойларда мен ўз кўзим билан кўриб, ишонч ҳосил қилдим. Алимкент қўрғонида офатдан зарар кўрганларнинг ҳаммасига 500 сўмдан пул тарқатишди, икки мартадан овқат ташкил қилишди, чунки баъзи уйларда на озиқ-овқат, на идиш-товоқ қолган эди. Бекобод районида ҳар қайси оилага пулдан ташқари эҳтиётдан озиқ-овқатлар ҳам берилди. Чунончи 10 килодан гуруч, гўшт, қанд-шакар тарқатилди. Район маъмурлари азият чекканларни уй-жой, қурилиш материаллари билан таъминламоқдалар. Ўша Бекобод районида ҳокимлик вақтинча яшаш учун вагончалар топиб келди, қурилиш учун участкалар тақсимлаб бера бошлади. Ҳеч ким ёрдамсиз қолмади. Лекин, албатта, умрбўйи тўплаб келинган нарсангнинг ўрнини дарҳол қоплаш қийин. Айниқса, кўп болали оилаларга оғир бўлмоқда: кийимбошлар, пойабзаллар етишмаяпти, чойшаблар ва ўрин-кўрпалар ҳам тақчил.

Шунинг учун биз Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент вилояти бўлимида кийимбошлар банки тузишга қарор қилдик. Бугунги кунда ҳаммага ҳам осон эмас. Лекин ҳар қайси оилада ортиқча, вақтинча кийилмаётган уст-бош, кўйлаклар топилади, албатта. Уларни муҳтожларга бериш мумкин.

Бизнинг манзилгоҳимиз: **Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси 107-а уй, 4-корпус, Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент вилоят бўлими.**

Агар кимда-ким берилган ёрдам муҳтож одамларга етиб борармикан, деб шубҳа қиладиган бўлса, бу ҳолда биздан аниқ манзилларни ҳам олишлари мумкин: бизнинг **телефонимиз: 44-14-13.**

Фалокат кутилмаганда келади, у хоҳлаган одамнинг бошига тушиши мумкин. Шундай экан, келинг, меҳр-шафқатли, ҳамиятли, саховатли бўлайлик.

Суратда: Алимкент шифокорлари Қизил Ярим Ой жамияти вилоят бўлими вакилларидан бир марта ишлатиладиган дорининаларни қабул қилиб олмоқдалар.

А. Смоленцева суратлари.



ҚУТЛАЙМИЗ!



Ҳурматли адажонимиз

РАҲМАТИЛЛА ҚАМБАР ЎҒИЛЛАРИ!

Бизлар Сизни 60 йиллик баҳорингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда узоқ умр ва бахтли-саодатли ҳаёт кечириб, орзуниятларингизга етишиб, шодон юришингизни тилаб қоламиз.

Фарзандларингиз ва набираларингиз.

ДИҚҚАТ!

«Алгоритм» Тошкент электрон ҳисоблаш машиналар заводига қарашли «Алгоритм-II» ширкати

ТУГАТИЛАДИ

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, И. Усмонов 6-ўтар кўчаси, 71-уй.

Машраб таваллудининг 350 йиллиги

ТАСАВВУФ ВА ИЖОДКОР ШАХСИЯТИ

ЁКИ МАШРАБ ТАБИАТИДАГИ БАЪЗИ РУҲИЙ ҲОЛАТЛАР ХУСУСИДА



«ДЕВОНАИ Машраб» қиссасидаги Машраб ҳаёти билан боғлиқ воқеаларда кўпинча қизиқ ва эътиборга лойиқ бир ҳолга дуч келамиз. Яъни бу қиссадаги латифа ва ҳикояларда халқ кўпинча Машрабга «ихлос» қилиб, унга ҳурмат билан қараса, Машраб бундай аҳволни ёқтирмайди. У халқнинг ихлосини ўзидан четлатиш мақсадида уларга «носазо сўзлар» айтади. Мана шунга ўхшаш ҳолатлар Машраб шахсиятида бўлган кўринади.

Буни биз қуйидаги тасаввуф қоидалари билан изоҳламоқчимиз: Яъни, тасаввуф маслигида «маломатия» деган оқим мавжуд. Маломатийларнинг ўргатишича, сўфий бу дунёда бошқаларга нисбатан ўз ботинида, яъни ички руҳиятида кашф этган яхшилигини ва ҳосил қилган камолотини бошқаларга изҳор қилиши керак эмас. Шунинг билан бирга сўфий ўз шахсиятида бўлган хусусиятларни ҳеч бир яширмай тўғридан-тўғри ошкор этиши лозим. Маломатийларнинг ана шу хислатларга эга бўлиши — тасаввуфда ахлоқнинг юқори даражаси ҳисобланади.

Маломатийлар назарида шундай юқори ахлоқ даражасини бузиш — риёлик (сўфийлар назарида ўзининг тутган йўлидан четга чиқиш — қинқайиш демакдир) бўлиб, улар риёдан жуда ҳам қўрқадилар. Маломатийлар агар шу ҳосил қилинган камолат бошқаларга ошкор этилса ҳосил қилинган камолатнинг аҳамияти қолмайди деб ҳисоблайдилар.

Маломатийлар сўфий кийимида халқ ўртасида жуда катта обрў қозонадилар. Халқ уларни ғоятда ҳурмат қилади. Лекин улар бундай юқори иззат-икромни қабул қилишни гуноҳ деб биладилар. Чунки дейдилар улар, бундай ҳурматни қабул қилиш ва ундан мағрурланиш кишини ҳузури қалбдан (худонинг моҳиятини англаш учун ички илоҳийликка берилиш ва шунинг натижасида худонинг моҳиятини тўла англай билиш демакдир) узоқлаштирар эмиш. Шунинг учун ҳам улар кўп вақт халқ назарида адабсизлик деб қаралган одатлар ва ҳаракатларни воқеига келтирадилар. Ўзларига нисбатан бўлган ҳурматни қайтариш, халқ томонидан қилинган ихлосни сўндириш учун ҳаракат қиладилар.

Демак, Машраб шахсиятида ҳам бир сўфий сифатида маломатийларнинг шундай руҳий ҳолатларининг таъсири бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки «Девонаи Машраб» қиссасида келтирилишича, Машраб кўп вақт ўзига ҳурмат юзасидан шоҳи ва кимҳоб кўрпачалар ҳамда тўшакларнинг устини ифлос қилиб қўяди ёки халқ орасида кишиларга ахлоқ қолипидан ташқари бўлган сўзларни айтади.) Шунга ўхшаш кўпгина хусусиятларни кўрсатишимиз мумкин. Шоир шахсиятида бўлган мана шу ҳолатларни руҳонийлар Машраб шаънига бўҳтон уюштириш учун фойдаланганлар, яъни улар Машраб жинни ва эси паст бир кимса эди деб гап тарқатганлар. Бу билан улар халқ ўртасида Машрабнинг обрўсини туширишга, одамларнинг унга нисбатан меҳр-муҳаббатини йўқотишга уринганлар. Албатта, бундай бўҳтонлар Машраб шахсияти билан ҳеч алоқаси йўқ гаплардир.

Машраб шахсиятида ғалати руҳий ҳолатлар ҳам бўлганки, бундай ҳолатларга тасаввуфда «жазобот» деб ном берганлар. Машҳур Шайх Сухравардий ўзининг «Аворифул-маориф» асарида бундай ҳолатни қуйидагича изоҳлайди:

Сўфийлар назарида инсонлар уч табақага ажратилади. Булардан биринчисига «комил ва восиллар» деб ном берилади. Ўз навбатида комил ва восил инсонлар ҳам икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмга пайғамбарларни, иккинчи қисмга эса ўзининг ботиний (ички) ибодати билан Ҳаққа етишган (худога яқинлашган) инсонларни киритади. Бундайлар Шайх Сухравардийнинг кўрсатишича, Ҳаққа етишиб, яна башариятга қайтиб келадилар ва инсонларни тўғри йўлга солишга мажбур бўлар эмишлар. Тариқатда бундай шахсларга «комиллар ва мукаммиллар» деб ном берадилар. (сўфийларнинг айтишича, комил инсон Ҳаққа етишади, лекин ўзи камолат ҳосил қилгани билан бошқаларни камолатга эриштириш унинг қўлидан келмайди. Мукаммил инсонлар эса камолатга эришгач, яна башариятга қайтиб келадилар ва бошқаларни ҳам камолатга эриштириш қувватига эга бўладилар. Яъни «пирлар» ва «авлиёлар» шундайлар қаторига кирар эмиш). Шайх Сухравардийнинг айтишича, Ҳаққа етишган инсонларнинг ҳаммаси комил бўла олади, лекин мукаммил бўла олмайдилар. Баъзи комил инсонлар ҳайрат денгизида фано наҳанггининг қорнида ҳалокатда бўладилар. Шунинг учун булар дунёда ўзларидан бошқа ҳамма нарсани унутадилар. Бошқаларни тўғри йўлга солиш уларнинг қўлидан келмайди. Мана шундай ҳайрат денгизида фано наҳанггининг қорнида ҳалокатда бўлган инсонларни «мажзуб» инсонлар деб атаганлар. Мана шундай мажзуб инсонларда жазобат каби руҳий ҳолатлар бўлган. Мажзубийлар жазобат (экстаз) тутган ҳолатда ҳамма нарсани, ҳатто ўзларини ҳам унутганлар. Оғизларига келган нарсаларни сўзлаганлар. Шоирлик қувватига эга бўлганлари эса ғазал ҳам айтганлар.

Машрабда ҳам ана шундай мажзублик ҳолатларнинг бўлганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки «Девонаи Машраб» қиссасида кўп ўринда «Шоҳ Машрабнинг жунунлари туғён уриб, қўлларига ситорни олиб, бу ғазални ўқидилар», деган жумлаларни кўп учратамиз. Демак, Машраб шахсиятида кўрилган ва уламо руҳонийлар томонидан «жиннилик» деб эълон қилинган бўҳтонларни, юқорида кўрганимиздек, тасаввуфнинг руҳий ҳолатларидан иборат эди деб изоҳлашимиз керак.

Яна «Девонаи Машраб» қиссасида айтилишича, кўп вақт Машраб ўзининг ёзган ғазалларини куйдириб ташлаган. Бу ҳар ҳолда ҳақиқатга яқин. Чунки Машрабнинг ўткир сатирик ғазалларини руҳонийлар ва ҳоким синф вакиллари ёқтирмаганлар, уни таъқиб қилганлар. Мана шундай аҳволдан сиқилган ва камситилган Машраб жазобот тутган ҳолатда ўз ғазалларини ёқиб юборган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Машрабнинг бизгача етиб келган шеърлари юқорида айтганимиздек, жуда озчиликни ташкил қилади. Демак, бу Машрабнинг шахсий нуқсони эмас, балки бундай ҳолатларнинг шоир шахсиятида пайдо бўлишига сабаб Машрабнинг яшаган даври жабр-зулм замони эди. Аммо халқ ўзининг севикли шоирини шундай бўҳтонлардан сақлаб, унинг номини доимо ҳурмат билан тилга олиб келади.

Бобораҳим МАШРАБ

ҒАЗАЛЛАР

Оңқадар дарё бўлубман осмонға сиғмадим,
Тоқи аршу курсию лавҳу жинонға сиғмадим.

Кимга соям тушса бир нури яқин бўлди у ҳам,
Дафтари руҳи қудусдурман забонға сиғмадим.

Дўзахи сақар манам, жаннат ила кавсар манам,
Бир ўзумдурман бу кун ҳафт осмонға сиғмадим.

Бор эдим Нуҳ вақтида ғарқ этмади тўфони ҳам,
Ҳамраҳи Мусо бўлуб Туру Синоға сиғмадим.

Эллик йил Исо билан юрдум ўлукни тиргузуб,
Бонси бир нуқтадин, Машраб, замонға сиғмадим.

* * *

Сеторим торинға жон риштасидин тор эшиб чолсам,
Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом узра мақомни дилға жо қилсам,
Муҳаббат кўйиға созлаб ани олдида ман чолсам.

Аролаб чолсам «Ушшоқ»у, ғазални соза еткурсам,
Саҳарларда кўпуб машшоталардин пурзиё чолсам.

Кел, эй, Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин масту мустағриқ,
Бир илкға косаи танбур, бирига жомни жо қилсам.

* * *

Такаллум айласанг гоҳи лаби шаккарфишонингдин,
Тасаддуқ бўлса жоним гаҳ бошингдинг, гаҳ оёғингдин.

Борурсан кеча-кундуз ою кундек ҳар тараф ёлғиз,
Топиб бўлмас сени бу ерда сокин ўз маконингдин.

Хиромон йўлга помолинг бўсун шамшод нла тўби,
Аёғинг ўпсину ўргулсун ул сарви равонингдин.

Бирор йўл илтифотингни томоша айлаган ошиқ,
Қиёмат тонги отса кўтармас остонангдин.

Кўзунг жон олғали қотил, сўзунг жон берғали мойил,
Масиҳо сенму оё, жон насими келди ёнингдин.

Эгилмас то қиёмат нўш қилғон бодаи лаълинг,
Шимиб ичса тили бирла нўш шаккар забонингдин.

Тилар Машраб бу кун гулғунча таъбингни очуқ кўрса,
Тамоша айлай-айлай ўтса саҳни гулистонингдин.

* * *

Ажаб Мажнундуман, ҳар дашту ҳар саҳрога сиғмамдур,
Дилим дарёи нурдур, мавж уруб дунёга сиғмамдур.

Шариат ҳам, тариқат ҳам ҳақиқат мандадур мавжуд,
Чунон султони азмдурман арши аълоға сиғмамдур.

Халил осо бу йўлда оташин Намрудду меърожим,
Ҳамон дурри ҳақиқатманки ҳар дарёға сиғмамдур.

Ризо мулкидаман халқумни тутдум тиғи Акбарға,
Бу йўлда сийнан поки забеҳуллоға сиғмамдур.

Агарчанди зиёрат қилмадим ман Каъбан зоҳир,
Тариқат ҳожисидурманки Байтуллоға сиғмамдур.

Гаҳи бўлса фақирман, гаҳ шоҳман, гаҳ гадодурман,
Ажаб девонаман, фардоки маҳшаргоҳға сиғмамдур.

Мақомни ҳайрат ичра гоҳи худман, гоҳи беҳудман,
Жунун бозорида мастманки истиғноға сиғмамдур.

Гаҳи ўрис, гаҳи черкас, гаҳи мўминдурман, гоҳи
Не кавлайсан, миёни лоу иллоллоға сиғмамдур.

Мудом мискиндуман, лекин ғуломи Машрабингдурман,
Мани бечора бу дунё билан уқбоға сиғмамдур.

«ДЕВОНАИ МАШРАБ» ҚИССАСИДАН

ШУЛ юрганларича ўзларини ўзганда кўруб, бир кеча анда туруб, зиёрат қилуб, бу муножотни ўқудилар:

Зиёрат қилғали келдим, аё Тахти Сулаймоним,
Ки тобдим Осаф ибни Барҳаёдек ибни Ҳоқоним, —

деб шоҳ Машраб Андижон йўлига равона бўлдилар. Бир лаҳзада ўзларини Андижонда кўрдилар. Сару побараҳна кўчаларда бул талқинни ўқуб юрур эрдилар:

Кеча базмингдин йироқ ишқ аҳли чандон йиғлади,
Куйди ҳам парвонаву шамъи шабистон йиғлади...

деб андин сўнг аноларини зиёрат қилғали равона бўлдилар. Ўлтуруб ўзларига дедиларки: «Эй Машраб, санинг кетганингга ўн саккиз йил бўлубтур. Аввал хабар олғилки, анонг борму ё йўқму деб оҳиста келиб, эшикдин қарадиларки, чироғ ёнуб турубдур. Аноларининг сочлари оқаруб, фарзанд фироқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлубдур. Қулоқ солдиларки, анолари Худойи таолога муножот қилиб йиғлаб ўлтурубдур. Айтурлар: «Эй парвардигор, ўн саккиз йилдин бери мани(нг) боламни назаримдан ғойиб қилдинг, Худовандо, тириклигимда ўшул жигаримни гўшаси мани девона боламни манга кўрсатгил, андин сўнг берган амонатингни олсанг розиндурман!..» дея зор-зор йиғлайдур. Шоҳ Машрабнинг келганидин бехабар эрди. Машраб ўзларини маълум қилиб, ҳозир бўлмишларига бу ғазални ўқийдилар:

Саҳарлар тўлғониб, тўлғоқда топган бир боланг келди,
Юзи оқу қизил гулдек шаҳинди Карбалонг келди...

Анолари эшитиб, «Вой, болам!» деб беҳуд бўлуб йиқилдилар. Бир дамдин сўнг ўзларига келиб, бошларини кўтариб, фарзанд иштиёқида бу байтни ўқудилар:

Умид бирла кўториб катта қилғон болам келди,
Шаҳидларни қаторига олиб ўзин болам келди!..

...Сингиллари эшитиб, бу байтни ўқидилар:

Худоға шукр айтаманким, ғариб бекас эдим,
Эмикдошим, жигарим гўшаси эсон келди!..

Анолари айтдилар: «Эй болам, эшикни очқусини тополмай турибдурман. Эшикни ёруғидин этокингни узатгилки, кўзумга суртай!» дедилар.

Шоҳ Машраб жандаларини этокини узаттилар. Анолари олиб, кўзларига суртуб, бу муножотни ўқидилар...

...Бу муножотни ўқуб дедиларки: «Эй бори худоёр, мани фарзандим кўзини ёши ҳурматидин кўзумга ёруғлуқ бер!» деб жандани этокини кўзига суртти. Шул соат равшан бўлди. То ташқарига чиқиб, Машрабдин уч маротаба айланиб: «Эй болам, сандан розиндурман!» деб Худойи таолога муножот қилиб айтдиларки: «Эй бор худоё, эмди амонатингни ол, санга топшурдим, Аллоҳи акбар!» деб жони баҳақ таслим қилдилар...

Андин кейин Шоҳ Машраб аноларини дафн қилдилар. Ҳамширалари аноларига бу марсияни ўқудилар...

Алқисса, Шоҳ Машраб аноларининг қабрида қирқ кун тиловат Қуръон қилиб, андин кейин бир кеча ётиб... истихора қилиб кўрдиларки, Бухорода — мадрасаи Кўкалтошда Мавлавий Шариф етти туман кишига дарс айтурлар. Шул бузрукни зиёрат қилмоқни ихтиёр қилдилар. Бозор бошига келуб, шўри фиғон қилиб, бир неча ғазал ўқидилар.

...Шоҳ Машрабнинг шўру жунунлари зиёда бўлуб, Бордонқўрғон тарафига равона бўлдилар.

Ушбу саҳифа материалларини филология фанлари номзоди Муҳсин ЗОКИРОВ тайёрлади.

СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

Табиат ва инсон

● УН ЙИЛДИРКИ, ПАХТАКОРГА КЎМАКЧИ:
● ЭКОЛОГИК СОФ УСУЛ.
● ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ.
● МУАММО ҲАЛ БЎЛМАЯПТИ.

Биологик усулга кенг йўл • Биологик усулга кенг йўл • Биологик усулга кенг йўл

ФОЙДАЛИ ҲАШАРОТЛАР КОРХОНАСИ

КЎП йиллардан бери ҳар хил зарарли кимёвий дорилар ва минерал ўғитлар билан еримизни, сувимизни, ҳавомизни, ҳаттоки, ўзимизни ҳам заҳарлаб келганимиз ҳеч кимга сир эмас. Шу қаторда она сутида ҳам топилаётган заҳарли кимёвий моддаларни, аҳлан заиф, норгин туғилаётган болаларни, камқонликдан азоб чекаётган аёлларимизни ўйлаш вақти келди. Бунинг учун ҳозирга вақтда бошқа тадбир-чоралар қаторида зудлик билан деҳқончиликка катта зарар келтираётган ҳар хил касалликлар ва ҳашаротларга қарши биологик кураш воситаларини қўллашимиз, турли минерал ўғитлардан воз кечиб, маҳаллий ўғитга ва экологик соф маҳсулот етиштириш имконини берадиган бногумусга ўтишимиз керак.

Бу масалалар Бекобод ноҳиясида ҳам долзарб бўлиб турибди. Ҳар хил заҳарли кимёвий дорилар ва минерал ўғитларни сақлаш, ташиш ва ишлатишда бир мунча камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Биз камчиликларни бартараф қилиш борисида ноҳия Ҳокимияти, прокуратураси ва санитария-эпидемиология хизматлари билан ҳамкорликда бирмунча ишларни амалга оширдик. М. Улуғбек, А. Мавлонов номли давлат хўжаликларида янги минерал ўғитлар омборлари ишга туширилди. «Авангард» ва «Далварзин» давлат хўжаликларида шундай омборлар қурилмоқда. Заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш устидан назорат кучайтириляпти. Ноҳияда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик кураш чораларини қўллаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бекобод районида жумҳуриятимизда биринчилардан бўлиб махсус биофабрика 1982 йилда ишга туширилди ва унда кўсак қурти тухумига қарши трихограмма хашароти ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирги вақтга келиб фабрикада трихограмма, хабрабракон ва олтинкўз ишлаб чиқарадиган 8 та линия мавжуд. Корхона ҳар йили режаларини ортиғи билан бажариб келмоқда.

— Биофабрикамиз маҳсулотларини жумҳуриятимиз вилоятларидан ташқари қўшни Тожикистоннинг Хўжанд вилояти давлат ва жамоа хўжаликлари ҳам олиб туришади,— деди биз билан суҳбатда биофабрика раҳбари Неъматжон Қосимов.

Бу даргоҳда ўз касбини севган, табиат ва келажак авлод олдидаги бурчини чуқур ҳис қилувчи жамоа таркиб топган. Бош ҳосилот Отабек Назаров, ҳосилотлар Икромжон Эгамназаров, Любовь Михайловна Петросян, Бердиқул Искандаровлар, техник-лаборантлардан Гулчеҳра Аҳмадалиева, Норхол Жумабоева, Санобар Воҳидова, София Ҳолиқова, Зарифа Йўлдошева, Муҳаббат Шодиевалар сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Фабрикага қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик кураш чораларини ривожлантиришга кўп меҳнати синган, шу корхонани ташкил этган ва унга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилган марҳум Бегижон Мирзакаримов номи берилган. Фабриканинг «Далварзин» ва «Ўзбекистон» хўжаликлари ҳудудида бўлимлари ишлаб турибди.

Биофабрика 1991 йилда давлат режасини барча фойдали ҳашаротлар етиштириш бўйича тўла ва ошириб бажарди. 1992 йилда эса 1 миллион 200 минг сўмлик биологик кураш учун керакли ҳашаротлар етказиб бериш кўзда тутилган. Фабрика раҳбарияти ҳозирги иқтисодий қийин вазиятдан чиқиш учун кўп ишламоқда, ишчилар учун меҳнат ва турмуш шароитлари яхшилаш устида қайгурмоқда.

Шу билан бирга биофабрикада ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд. Уни шакар, маргарин ва ҳашаротлар етиштиришда ишлатиладиган бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш тобора мушкуллашмоқда. Бу масалада жамоага ёрдам бериш керак.

Бундан ташқари, ноҳиямизда биогумус ишлаб чиқариш устида ҳам ишлар олиб борилмоқда. Ноҳия табиатининг мусаффолигини таъминлаш учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Юқорида айтилганларни эса бу муҳим вазифани бажариш йўлидаги дастлабки қадамлар, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам мутахассисларимиз маҳаллий ҳокимият мақомалари ва мутасадди ташкилотлар билан атроф-муҳитнинг тозалигини, экологик соф деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни таъминлаш учун ҳамкорликни янада кучайтирадилар.

К. МАВЛОНОВ,
Ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

ЕР ШАРБАТИ

ҲОЗИРГИ иқтисодий танглик зарбаларига қарамасдан, ўз она тупроғини асраб-авайловчи, айниқса, вужудга келган мураккаб экологик вазиятда она заминимизнинг ҳар хил кимёвий воситалар билан ўта заҳарланишдан сақлаш, ҳар қатраси олтинга тенг оби-ҳаёт сувларимизнинг таркиби бузилмаслиги ва исроф бўлмаслиги ҳақида жон куйдирувчи фидоий кишиларимиз ҳам бор. Шундай тиниб-тинчимас, қалби беҳаловат инсонлардан бири Комилжон ака Фозиловдир. Комилжон ака ихтиро бераётган муаммолар — бу Орол каби бахри уммонимизнинг қуриб бориши ҳамда шу билан боғлиқ бўлган пахтакор деҳқонларимизнинг машаққатли оғир меҳнатлари ва она заминимиз, тупроғи таркибининг бузилиши, унумдорлиги пасайиб кетишидир. Ҳозирги кундаги экологик фожианинг содир бўлишини Комилжон ака бундан 15—20 йил авваллари сеза олган ва бу ҳақда кўпгина мутасадди идораларга мурожаат этган эди. Нафақат бонг урганлар, балки муаммонинг ечими ҳақида ҳам аниқ равшан фикр билдириб, уни тезроқ амалга оширишни учун ёрдам сўраган эдилар.

К. Фозилов пахта далаларини озиқлантиришда минерал ва маҳаллий ўғитларни тўғридан-тўғри пайкалларга солиш ўрнига уларни агротехник режаларда асосли нисбатларда бетон ҳовузларга солиб, маълум муддатларда димлаш ва компост-шарбат тайёрлаб, чигит экилган пайкалларга оқизишни тавсия этган эди. Шундай қилинганда чигит униб чиқиши учун етарли миқдорда намлик сақланиб, компост таркибидаги озиқ моддаларни ёш ниҳол енгил ўзлаштириши учун ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳовузларда димланган гўнг таркибида ҳар хил ўт уруғлари чириб, далаларни бегона ўт босишининг олдини олади. Компост файли яна бошқа муаммоларни ҳам ҳал қилиш мумкин. Чунончи, компост-шарбат оқизилиб етиштирилган пахта толаси тўқимачилик саноати илмғоҳида ўтказилган тадқиқотларга қараганда 1—1,5 фоиз сифатли бўлган. Унинг иқтисодий самарадорлиги ҳам юқори эканлиги амалий синовдан ўтган.

Компост-шарбат усулининг афзаллигини жумҳуриятимиздаги барча мутахассислар билишади, лекин уни амалий деҳқончиликда қўллаш ниҳоятда суст амалга оширилаётган аҳолининг турмуш шароити оғирлашиши мумкин.

Янги усул деҳқонларнинг ўзларига катта наф келтиради. Уни жорий қилиш кўп миқдорда иқтисодий самара беради. Шундай бўлгач, унга эътиборни кучайтириш лозим. Яна бир афзаллиги у атроф-муҳит мусаффолигига кафолат беради. Бу усулни жорий қилишни истаган хўжалик раҳбарлари Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига мурожаат этишлари мумкин.

Шу ерда яна бир янгиликни таъкидлаб ўтмоқчимиз. 1992 йил қишлоқ хўжалиги якунига кўра вилоятимиз қишлоқ хўжалиги жамоалари ўртасида кўрик ўтказиш режалаштирилган. Зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллаш, экинларни озиқлантиришда компост-шарбат серишни йўлга қўйиш, экологик жиҳатдан соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ва умуман атроф-муҳитнинг экологик аҳволини яхшилашда дуруст натижаларга эришган жамоалар кўрик ғолиблари бўлишади. Улар табиат муҳофазаси фондидан рағбатлантирилади. Ғолибларнинг тажрибаси кенг миқёсда жорий этишга тавсия қилинади.

А. АБДУҲОЛИҚОВ,
Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири.

Ҳамкорлик кучаяди

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ барча шаҳарлари ва ноҳияларида атроф-муҳитнинг ифлосланишига қарши кураш олиб боришда табиатни муҳофаза қилиш мутахассисларига қатор бошқа ташкилотлар, жумладан санитария-эпидемиология станциялари ҳам яқиндан ёрдам беради. Бундан ташқари, санитария милицияси ҳам шу иш билан шуғулланади. Бу ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, фаолияти таъсирини ошириш мақсадида бундан бир йил илгари мувофиқлаштириш кенгашлари тузилган эди. Бироқ бу органларнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича биргаликда олиб борадиган ишларини янада такомиллаштириш давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

Шуни назарда тутиб, яқинда табиатни муҳофаза қилиш шаҳар ва ноҳия қўмиталари раислари ҳамда санитария-эпидемиология станцияларни бош врачларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев ва вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош врачи Р. Машариповлар маъруза қилиб, биргаликда амалга оширилган ишларни ҳар томонлама таҳлил қилдилар, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, шу йўлда олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар. Музокараларда қатнашган нотиқлар табиат муҳофазаси бўйича ишкала ташкилот олдида турган вазифалар доирасини аниқ белгилаш, бир-бирининг ишини такрорлашга йўл қўймаслик, экологиянинг бирор соҳасидаги аҳвол ҳам назоридан четда қолмаслигига эришиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала бўйича қўшма тадбирларни ишлаб чиқиш учун комиссия тузилди.

Худди шундай кенгашни вилоят санитария милицияси ва давлат автомобиль назорати билан биргаликда ўтказиш ҳам режалаштирилди.

М. МУИДИНОВ.

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАРГА МУКОФОТЛАР

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг фан-техника тараққиёти ва таргибот бўлими ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси, муаллимлар малакасини ошириш илмгоҳи мактаб ўқувчиларининг экологик тарбиялаш бўйича тўпланган тажрибани ўртоқлашишга қаратилган конференция ўтказган эдилар. Унда ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг «Табиат ва биз» мавзунда кўргазмаси ҳам ташкил этилган эди.

Конференцияда тузилган махсус жюри тақдим этилган экспонатларни ўрганиб ва ўсиб келаётган авлодни экологик тарбиялаш юзасидан олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, бу муҳим соҳада яхши натижаларга эришган мактаблар, мактабдан ташқари муассасаларни мукофотлашга қарор қилди.

Ўчта биринчи мукофот Бекобод шаҳридаги 4-мактаб ҳамда ёш табиатшунослар станциясига, Бекобод районидаги 38-ўрта мактабга берилди. Учинчи ўринларни ўртача 500 сўмдан пул мукофоти тошширилди. Иккинчи ўринларни олган Чиноз ноҳиясидаги 27-ва 40-ўрта мактаблар жамоасига берилган мукофот миқдори 300 сўм бўлди. Ўрта Чирчиқ районидаги 16-ўрта мактаб учинчи ўринни олди ва унга 200 сўм пул мукофоти берилди.

Айниқса, ёшларни экологик тарбиялаш бўйича вилоят болалар экология ва табиатшунослар марказининг иши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу жамоанинг ҳар томонлама самарали фаолияти муносиб баҳоланиб, 400 сўмлик пул мукофоти билан тақдирланди.

Ёшларни экологик тарбиялаш ишлари яхши йўлга қўйилган ўнлаб бошқа мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, бу хайрли ишда фаол қатнашаётган муаллимлар, тўгараклар раҳбарлари, ёш табиатшунослар ҳам пул ва бошқа мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

● **МУТАХАССИСЛАРНИНГ маълумотларига қараганда, бугунги кунда Ўрта Осиё бўйича ўрмон хўжаликлари тасарруфида 19161,3 минг гектар ер бор. Бу—Ўрта Осиё майдонининг 15 фоизига тўғри келади.**

● **ЎРТА Осиёда аҳоли жон бошига 0,3 гектар ўрмон тўғри келади.**

● **УЛКАМИЗДА ёнғоқ, хандон ниста, бодом, тоғолча, ўрик, олма, нок, дўлана ва бошқа дарахтлар жуда кам (атиги 3,2 фоиз) майдонни эгаллайди. Лекин, улар атроф-муҳитни зарарли таъсирлардан ҳимоя қила олиш ҳамда иқлимни яхшилайди.**

● **ИИГИРМА йиллик бир гектар қарағайзор йилига 9 тонна карбонат ангидрид ютиб, 7,5 тонна кислород чиқаради. Қирқ йиллик эманзор эса 18 тоннагача карбонат ангидрид ютиб, 14 тонна кислород ажратиб беради.**

А. АЛИЕВ.

ЖАРИМА БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

ҚИШЛОҚ хўжалигида бир вақтлар кенг миқёсда ишлатиб келинган айрим ўта заарарли кимёвий моддаларнинг фойдаланиш тақиқлаб қўйилгани яхши бўлди. Бу атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга, пировард натижада кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Лекин, бундай моддаларнинг анчагина қисми ҳамон давлат ва жамоа хўжаликларида ётипти, уни йўқ қилишнинг иложи бўлмаяпти. Бундай аҳволни Қуйи-Чирчиқ ноҳияси хўжаликларида ҳам кўриш мумкин.

Ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчилари ўтказган текширишлар вақтида қатор хўжаликларда ишлатилиши таъқиқланган ва умуман бошқа хил кимёвий моддалар ҳам борлиги аниқланди. Тўғри улардан фойдаланилмаяпти. Хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассислари бу борадаги кўрсатмага амал қилмоқдалар. Бироқ уларни сақлаш қонда-тартибларига риоя этишмаяпти.

Чунончи, «Заря коммунизма» жамоа хўжалигида шундай бўлаяпти. Хлор калий ўғити омборда эмас, очиқ ҳавода сақланаётган экан. Ноҳия табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси унинг айбдорларини жазолашга мажбур бўлди. Бош агроном Ж. Аширбекова жарима солди. У ўз ҳамёнидан қирқ сўм тўлади.

Ленин номидаги жамоа хўжалигининг Охунбобоев участкасидаги трактор сароий ҳудудида турли заҳарли кимёвий моддалар қоидага зид равишда сақланаётганлиги эътибордан четда қолмади. Улар орасида героапинид, аманит, кельман каби қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган заҳарли химикатлар бор эди. Бундан ташқари, қирқ қоп дориланган чигит ҳам босиб қўйилганди.

Бу белгиланган тартибни қўпол равишда бузишдан бошқа нарса эмасди. Шу сабабли ҳам бундай аҳволнинг айбдорлари бўлган техника хавфсизлиги бўйича муҳандис Б. Сарибоев, агрономэнтимолог Ч. Сабатаевлар моддий жарима билан жазоландилар.

